



АЙНИ ПАЙТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИСТИҚБОЛДАГИ БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Имомов Хамдилла Хамдамович

Тошкент давлат иқтисодийёт университети "Молия бозори ва сугурта иши" кафедраси доценти
email: himomov1969@gmail.com

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
<p>Volume: 1 Issue: 5 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss5/a15</p>	<p>Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг истиқболдаги бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини аниқлашга қаратилган стратегия ва тактик чора тадбирлар борасидаги масалалар келтирилган.</p> <p><i>Бюджет, солиқ, сиёсат, бюджет даромадлари; бюджет харажатлари; кредит, давлат кредити; бюджет тизими; бюджетлараро муносабатлар; бюджет стратегияси; бюджет тактикаси, дефицит, профицит.</i></p>
<p>KEYWORDS</p>	

Кириш

Бизга маълумки, давлатга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши ундаги мавжуд зарур молиявий ресурслар билан боғлиқ, бу эса ўз навбатида давлат томонидан тузилган пул маблағлари қисмини бюджетда тўпланишини талаб этади. Бюджетда бу маблағларни сарфланиши давомда ва улардан фойдаланишда давлат билан солиқ тўловчилар ва бюджет ажратмалари олувчилар ўртасида молиявий муносабатлар ўрнатиллади. Бу муносабатлар ҳокимият органлари томонидан ишлаб чиқилган ва амалга ошириладиган молия бюджет сиёсати мувофиқ йўлга қўйилади. Давлат бюджети орқали жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулот қайта тақсимланади. Ялпи ички маҳсулотнинг қайта тақсимланиши жамиятдаги умумий эҳтиёжлар: маориф, соғлиқни сақлаш, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, аҳоли таркибида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тинчлик, чегаралар дахлсизлигини сақлаш ва фавқулодда ҳолатлар учун сақланадиган давлат захираларининг мавжуд бўлиш зарурати туфайли келиб чиқади.

Шунингдек, давлат бюджет орқали давлат жамиятнинг ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилишнинг молиявий дастакларига эга бўлади. Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида давлат ҳокимиятининг иқтисодий имкониятларининг молиявий асосини яратади. Шунинг учун бюджетларнинг даромад ва харажатларини бюджет сиёсати асносида самарали бошқаришни таъминланиши таъкидлаб ўтиш лозим. Бу эса, Ўзбекистонда бюджет сиёсатини амалга ошириш механизмининг такомиллаштиришнинг самарали таъсирини ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 09.12.2019 й. N ЎРҚ-589 сонли Қонуни қабул қилинди[1]. Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Қабул қилинган бу қонун 5-боб, 28-моддadan иборат бўлиб белгиланган биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фақат белгиланган йил давомида фойдаланилади. Шу билан бирга Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Қонунчилик палатасига ушбу Қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклиф билан бирга ўзгартиришлар киритиш бўйича асословчи материалларни, шунингдек янгиланган макроиктисодий прогнозлар, солиқ ва бюджет сиёсатидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши белгилаб қўйилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Лесли Крамернинг "Солиқ-бюджет сиёсати нима?" асарида шундай таърифлайди. Фискал сиёсат - бу мамлакат иқтисодиётига таъсир қилиш учун харажатлар даражаси ва солиқ ставкаларидан фойдаланиш. Бу пул-кредит сиёсатига ўхшаш стратегия бўлиб, унда ҳукумат ёки марказий банк мамлакатдаги пул массасини тартибга солиш орқали иқтисодиётга таъсир кўрсатади[2].

Фуллер, Дэн; Гейде-Стивенсон, Дорислар ўзларининг илмий мақолаларида қуйидагича таъриф бериб ўтади. Солиқ-бюджет сиёсат - бу давлатнинг миллий иқтисодиётни кузатиш ва таъсир қилиш учун харажатлар даражасини ва солиқ ставкаларини тартибга солиш воситаси. Солиқ-бюджет сиёсати қандай ишлаши, уни қандай кузатиб бориш кераклиги ва уни амалга ошириш иқтисодиётдаги турли одамларга қандай таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида умумий маълумот[3].

Петтингер, Тежванларнинг "Пул-кредит ва фискал сиёсат ўртасидаги фарқ" асарида Давлат харажатлари иқтисодиётда талабни яратиш учун жавобгардир ва иқтисодиётни таназзулдан чиқаришга туртки бериши мумкин. Чуқур рецессия содир бўлганда, иқтисодий мувозанатни тиклаш учун фақат пул-кредит сиёсати таянишнинг ўзи этарли эмасдир деб келтиради[4].

О. Салливан, Артур; Шеффрин, Стивен М. "Экономика: принциплари в действии" асарида - Фискал сиёсатнинг асосий ғояси - ортқча солиқ юкини яратмасдан, иқтисодий талабни рағбатлантирадиган давлат харажатлари даражасини топиш. Мисол учун, харажатларни кўпайтириш ёки солиқларни қисқартириш орқали тургун иқтисодиётни рағбатлантириш, шунингдек, кенгайтирувчи фискал сиёсат сифатида ҳам танилган, инфляциянинг ўсишига олиб келиши хавфини туғдиради. Бунинг сабаби шундаки, иқтисодиётда пул миқдорининг ортиши, кейин истеъмолчи талабининг ошиши пул қийматининг пасайишига олиб келиши

мумкин, яъни қиймати ўзгармаган нарсани сотиб олиш учун кўпроқ пул керак бўлади[5].

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар (Methods/Методы). Тадқиқотни амалга оширишда қўйилган мақсадларни амалга оширишда мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш, иқтисодий-статистик таҳлил, ўзаро ва қийсий таққослаш усулларидан самарали фойдаланилди.

Таҳлиллар (Analysis/Анализ).

Айни пайтда янги Ўзбекистонни бюджет борасидаги сиёсати эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликларини ҳамда аниқ марраларини белгилаш вазифасини амалга ошириш йўлида аҳолининг кенг қатламлари, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари, давлат органларининг раҳбарлари ва мутахассислари билан амалий суҳбат ҳамда муҳокамалар олиб борилмоқда, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари, миллий ва халқаро ташкилотларнинг ахборот-таҳлилий материаллари, маърузалари, тавсиялари ва шарҳлари ўрганилмоқда, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилиниб шулар асосида 2017-2021-йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мақсади жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун Ҳаракатлар стратегиясида бешта асосий устувор йўналишлар белгилаб олинган эди, улар қуйидагилардан иборат[6]:

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш;
3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш;
5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёсат юритиш.

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири мамлакатдаги ислохотларни ва янгиланишларни янада чуқурлаштиришга оид аниқ бўлимлардан иборат. Хусусан, "Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш" деб номланган йўналиш яқин ва ўрта истиқболда қуйидагиларни амалга оширишни назарда тутди:

- макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш,
- миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш,
- қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш,
- иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш;
- хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш;
- ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва муносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш;
- инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш.

Юқорида санаб ўтилган устуворликларни бажариш бюджет-солиқ сиёсатида ҳам муайян ўзгаришларни амалга ошириш зарурлигини назарда тутди. Бугунги кунда мамлакатимизда бюджет соҳасида олиб борилаётган ислохотлар замирида аҳоли турмуш

фаровонлигини юксалтириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожига кенг имконият яратиш мақсадлари мужассамлашган. Хусусан, иқтисодиётда солиқ юқини янада камайтириш, солиқ солиши механизмини соддалаштириш ҳамда солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ана шу мақсад рўёбига қаратилган.

Ўзбекистонда 2023 йилда давлат бюджети харажатлари қанчани ташкил этиши маълум қилинди

Молия вазирлиги «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни лойиҳасига оид маълумотларни эълон қилди.

Қонун лойиҳаси шарҳида келтирилишича, 2023 йил учун давлат бюджети даромадлари (давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни инобатга олмаган ҳолда) 232,1 триллион сўм, харажатлари эса (давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни инобатга олмаган ҳолда) 227,9 триллион сўм миқдориди бўлади.

Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари 41,3 триллион сўм миқдориди, харажатлари эса 70,2 триллион сўм миқдориди режалаштирилмоқда. Бунда Давлат мақсадли жамғармаларига республика бюджетидан 29,9 триллион сўм трансфертлар ажратиш белгиланган[7].

Хулоса ва тақлифлар (Conclusions/Заклучения).

Маълумки, мамлакатимизда ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳар йили Бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилинади. Яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсати пировардида аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этиш лозим. Хусусан, 2024-йилга мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларида солиқ юқини янада қисқартириш, солиқ ва мажбурий тўловлар миқдорини камайтириш, маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг мустақиллигини ошириш, маблағлардан оқилона фойдаланиш ҳамда бюджетга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлашни янада кучайтиришга қаратиш керак. Солиқ сиёсатида амалга киритилган ўзгаришлар солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама қўмақлашишга, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқишга ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга, солиқ назоратига оид замонавий услубларни жорий этишга, солиққа тортиш борасида муаммоли масалаларнинг камайтиришга, бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тушиши таъминланишига қаратилган ислохотларни янада изчил олиб бориш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бюджет тизимини қайта қўриб чиқиш, бюджет даромадлари ва харажатларининг халқимиз учун очик-ошкора бўлишини таъминлаш зарурлигини таъкидлаган эди[8]. Зеро, давлат ва жамият бошқарувидаги очиклик, мамлакат бюджетининг тақсимланиши ва сарфланишидаги шаффофлик чинакам халқ ҳокимиятини қарор топтириш ва фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг муҳим шартидир. Ушбу ҳолатлар мамлакатимизда яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, бюджет-солиқ соҳасида бўлаётган янгиланган, бюджет-солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар мамлакатимизда ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга муносиб хизмат қилиш керак.

References:

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2019 йил 10 декабрь "Халқ сўзи", 2019 йил 10 декабрь.
2. Крамер, Лесли. "Что такое налогово-бюджетная политика?". Investopedia. Точка. Проверено 26 апреля 2019 года.

3. Фуллер, Дэн; Гейде-Стивенсон, Дорис (осень 2003 г.). "Консенсус среди экономистов: пересмотрено". Журнал экономического образования. 34 (4): 369–387.
4. Петтингер, Теджван. "Разница между денежно-кредитной и фискальной политикой". Economics.Help.org. Economics.Help.org. Проверено 26 апреля 2019 года.
5. О. Салливан, Артур; Шеффрин, Стивен М. (2003). Экономика: принципы в действии. Аппер-Седл-Ривер, Нью-Джерси: Пирсон Прентис Холл. стр. 387. ISBN 978-0-13-063085-8.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Харакатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сон Фармони, ЎР ҚХТ, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
7. www.lex.uz– Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 2023 й.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022. “Халқ сўзи” газетаси. 21.12.2022 -1 б...